

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 5 март №46 (3320) • Жума



Олий Мажлисида

Кеча Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озик-овқат кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Қишлоқ ҳўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конуннинг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ўқимёсанот" ДАК ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат кимё комиссияси томонидан қандай ижро этилаётганлиги муҳокама этилди.

ҳўжаликлариде биологаторияларнинг сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришига етарли аҳамият берилмаган. Ишлаб чиқаришда технологик жараёнлар бузилишига, аксарият ҳолларда эса сифатсиз, кам миқдордаги ва кучсиз биомасулотлар далага чикарилган. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида кимёвий воситалар захираси талаб даражасида

Экинлар ҳимояси ишончлили?

Маълум бўлишича, Давлат кимё комиссияси республикада ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарувчи ва четдан олиб кирувчи тузилмалар фаолиятини назорат қилиш, дориворларнинг сифати ва самардорлиги, омборларда сақлаш, ташиш, фойдаланиш каби масалалар юзасидан қатор тадбирларни амалга оширган. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида Конун ижросини таъминлаш борасида Дастур ишлаб чиқилиб, унинг бажарилиши доимий назоратга олинган. Ўз навбатида "Ўқимёсанот" давлат-акциядорлик компанияси ҳам қишлоқ ҳўжалик экинлари зараркундаларига қарши курашда биологик усулдан кенг фойдаланиш, кимёвий моддалар захирасини яратиш ҳамда профилактик ишларни амалга ошириш борасида бир қатор ишларни олиб борган.

дан 297,4 тонна кимёвий дориворлар олиб келинган. Бироқ Конун ижросини таъминлаш борасида Давлат кимё комиссияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўқимёсанот" давлат акциядорлик компаниясида ижобий ишлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам йўқ қўйилган. Хусусан, республика бўйича яроқлилик мuddати ўтган, ишлатилиши тақиқланган захарли химикатлар сақланадиган 13 та махсус иншоот атроф муҳитта ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ачинарлиси, махсуд захарли омборхоналарнинг аксарияти талабга жавоб бермайди. Уларда ишлатишга яроқсиз, сақлаш мuddати ўтган кимёвий дорилар 10-15, ҳатто 30-35 йилдан буйён омборхоналарда сақлиниб келинаётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Устига-устак, республикамизнинг қатор вилоятлари

яратилмагани ва янги самарали препаратлар ишлаб чиқарилмаётгани сабабли экинлар ҳосилдорлиги пайсасиб кетаяпти. Модомики, соҳада аҳвол шундай экан, бу каби камчиликларни бартараф этиш учун нима қилмоқ керак? Зараркундалар ва касалликларга қарши курашнинг яхлит тизимини яратиш учунчи? Кўмита йиғилишида ана шу каби саволларга жавоб изланди. Конун ижросини тўлиқ таъминлашда тегишли ташкилотларнинг аниқ мақсад сари баҳамжиҳат сый-ҳаракати зарур эканлиги таъкидланди. Биологаториялар фаолиятини яхшилаш, фермер ва ширкат ҳўжаликларини ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва маъданли ўғитлар билан таъминлашни ташкил этишда назоратни кучайтириш тавсия этилди. **Ф. САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



«Хурматли йўловчилар! Сизларга бехатар парвоз тилаймиз!»

Сиз она заминимиздан бир неча километр баландликда парвоз қилаётган ҳаво кемасидаги ҳушурат қизларнинг ўзбекона лутфини эшитиб, очиги қувнаб кетасиз. Шундан сўнг эса энг яхши тилаклар рус ва инглиз тилларида янграйди. Ажабланманг, бу «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг борт кузатуви хизматчилари — стюардессалардир. Уларнинг ширин табассумидан тортиб, йўловчиларга кўрсатаётган хизматлари сизни қизиқтирган саволларга ҳушталқушлик билан бер-

ган жавоблари ҳаммани мафтун этиши, табиий. Шу онда мамлакатимизда истиқлол яратаётган имкониятлар нақадар кенгайиб бораётганидан кўнглинг ўсади, йшларимизнинг салоҳияти тобора юксалиб, жаҳон миқёси даражасида иш тўтаётганлигини кўриб яна бир шодланасан.

СУРАТДА: борт кузатуви хизматчиси Малика Умарова. **Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Бугуннинг гапи
Четдан қараганда жуда оддий кўринади. Фермер ҳўжалигига бир киши раҳбар, қаватида ўзига яқин одамлар ишлайди. Белгиланган экин майдони бор, бошида уруғ қадайдди, охирида хирмон тиклайди.



Елкадаги юк

Эх-хе, мана шу содда ҳаёт чизигида бутун олам мужассам эканлигини баъзан тасаввуримизга ҳам сигдиролмаймиз. Танамизга ўйлаб кўрайлик: халқнинг ризку рўзи, насибаси, керак бўлса, тақдири билан боғлиқ ернинг масъулиятини зиммага олишининг ўзи бўладими? Айтилик, сиз 20, 30 ёки 40 гектар ерни ўз ҳўжалигингиз тасарруфига олдингиз. Бунча кенгликдаги дала номингизга хусусийлаштирилмаган. Фақат ўша ердан эл дастурхони учун, уст-боши учун махсулот етиштиришни зиммангизга олгансиз, холос. Шунинг учун ҳар бир қадамнингиз, яхши-ёмон ишлаганингиз халқ назариде.

лион сўмдан уруғлик ва бўнак пулига эга чиқиб, амалда бирор килограмм ҳам пахта етиштирмаган. Бу иш, ахир, бир-икки кунда эмас, бутун йил давомида рўй берган. Фермерлар кузда ҳосил топширмаслик учун баҳорда уруғ қадамаган, ёзда гўзага ишлов бермаган. Ва бундай аҳволни туман хокими ҳам, унинг ўринбосарлари ҳам — ҳеч ким билмаган. Ростдан ҳам билмаган бўлса, вазифасини адо этмаган. Билиб туриб индамаган бўлса, ҳаммани алдаган. Агар юқоридеги кўзбўямачилик фақат учта фермер ҳўжалигига содир бўлганида бунчалар ташвиш чекмасдик. Ўтган йили Сирдарё вилоятида, оз эмас-кўп эмас, 1265 та фермер ҳўжалиги ҳосил ваъда қилиб, 1,1 миллиард сўм бўнак маблағини қайтармаган.

Баъзи камчиликлар кимларнингдир масъулиятсизлиги, эътиборсизлиги оқибатида рўй бериши мумкин. Лекин хатотлар шунчалик оммавий тус олиши қайси қуюшқонга сиғади? Аслида чигит экимай уруғлик олса, далада бошқа нарса ўстириб, транш маблағларини ҳамёнига урса — бу нима деб аталади? Нима сабабдан бу ҳақда кўкларда, ўз фаслида ҳеч ким бонг урмайди?

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида битта фермер фалонга одамни боқайди, деган маълумотларни эшитамиз. Бизда бу кўрсаткич қанча? Кеча бир мутахассис ўртача 1,5 та одамни боқайди, деган гапни айтиб қолди. Бу рақам қанчалик тўғри ё нотўғри — билмадик, лекин мамлакатимизда фермерлик ҳаракати қулоч ёза бошлагандан буйён фермер меҳнати эл дастурхонининг мазмунини таъминлайди, деб ҳисоблаймиз. Ўз вазифасини қойиб қилмаган, йил якунида қул-қуруқ чиққан фермер, аввало, эл-юрт олдида хижолат бўлиши керак.

2003 йил натижаларини тарозий палласига қўйиш асносида бир умрга сабоқ бўладиган камчиликлар кўз ўнгимизда пайдо бўлмоқда. Сўрашингиз мумкин, арава ўтиб кетган, бу ҳақда гапирган билан ахвол ўнглаиб колармикан?! Ҳисоботларнинг танқидий қисмини «безовчи» мана бу мисолларга эътибор қилинг: 2003 йилда Боввут туманидаги «Зарчашма» фермер ҳўжалиги қоғозда 101 тонна, Оқолтин туманидаги «Видавий» фермер ҳўжалиги 262 тонна, Ховос туманидаги «Истиқлол» фермер ҳўжалиги 135 тонна пахта топшириш мажбуриятини олиб, ҳар бири 3-9 мил-

лион сўмдан уруғлик ва бўнак пулига эга чиқиб, амалда бирор килограмм ҳам пахта етиштирмаган. Бу иш, ахир, бир-икки кунда эмас, бутун йил давомида рўй берган. Фермерлар кузда ҳосил топширмаслик учун баҳорда уруғ қадамаган, ёзда гўзага ишлов бермаган. Ва бундай аҳволни туман хокими ҳам, унинг ўринбосарлари ҳам — ҳеч ким билмаган. Ростдан ҳам билмаган бўлса, вазифасини адо этмаган. Билиб туриб индамаган бўлса, ҳаммани алдаган. Агар юқоридеги кўзбўямачилик фақат учта фермер ҳўжалигига содир бўлганида бунчалар ташвиш чекмасдик. Ўтган йили Сирдарё вилоятида, оз эмас-кўп эмас, 1265 та фермер ҳўжалиги ҳосил ваъда қилиб, 1,1 миллиард сўм бўнак маблағини қайтармаган.

Елкадаги жавобгарлик юки нафақат етиштирилган ҳосил билан, балки орият билан, виждон билан ўлчанади. Буни асло унутмайлик!
Шўҳрат ЖАБОРОВ.

13-14 март — умумхалқ ҳашари

Хайрли ишнинг ҳамиша хайрихоҳи кўп бўлади. Шунданми, эл-улус ҳашар деса, руҳи бардамлашади. Эзгу ният билан бошланган юмуш борки, ҳар ким ўз ҳиссамни қўшсам, дейди.



СЕРФАЙЗ ХИЁБОНЛАР, ОРАСТА ГУЗАРЛАР

— Ота-боболаримиз бутун бир канални кўпчилик бўлиб, қўл кучи билан казиб битирганида, бизга учна-бунча ишнинг улдасидан чиқиб нима, — дейди Наманган туманидаги Юқори Раустон маҳалласи оқсоқоли Абдували Жўраев. — Мана, бўлур барчамиз бир бўлиб гузар кургандик. Унга битта оталар чойхонаси етишмай турганди. Ёш-яланларни жалб этиб, униям тикладик. Насиб этса, келгуси ҳафтада бўладиган ҳашарда пардоз-андозини

жойига қўямиз-да, нуронийларимизни сўрининг тўрига чиқарамиз. Ийгин раиси баҳорги ишлар браваж бошланганидан хурсанд. Кўча ва йўллари тозалаш, ариклари тартибга келтиришга каттаю-кичик астойдил бош қўшгани маҳалла худудига киришингиз билан дарров сезилади. Одамлар холи деворларига гача оқлаб, ҳаммаёқни чинидай ораста қилиб қўйишибди. Саранжом-саришталик, ободонлаштириш ҳаракати

доимий тус олганига нима етсин. Тез-тез ҳашарлар уюштирилгани, кўча ва йўллари меҳнат жамоалари, уларнинг махсус хизматчилари масъул этиб қўйилаётгани бунга имкон берая-

мўлжаллашапти. Қизил ярим ой жамияти тасарруфига берилган бу жой ажойиб мевозор бўлади. — Наврўзди ҳашари чинакам меҳнат байрами тусини олади, — дейди туман

муҳтож кишилар ҳолидан хабар олинди, ногиронларга махсус аравача, қўлқатаёқ, эшитиш асбоблари тортиқ этилади.

Айни кунда қишлоқ меҳнат ахлининг ҳам шашти баланд. Бу ерда дехон кетмонини қўлга олганига анча бўлди. Уч кун бурун «Зарбдор» ширкат ҳўжалигида плёнка остига чигит қадаладиган майдонга севялка киритилди. Бугун-эрта бошқа ҳўжаликларга ҳам экишга фотиҳа берилди. Хайрия ҳашари кунларида туман маркази ва қишлоқларда амалга оширилган юмушлар кўлами катта. Меҳнат жамоалари бир кунлик иш ҳақини ҳашар фондида ўтказиш тадоригини кўришмоқда. Туман бўйича «Маҳалла» жағғармаси ҳисобига тушадиган маблағ 4,2 миллион сўмдан орттиги кутулапти.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

CIDA ўқувчилар меҳмони

Бухородаги 30-ўрта мактабда Канада халқаро ривожланиш агентлиги (CIDA) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда агентлик ходимлари Найл Окда ва Газиза Шотановалар CIDAнинг Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда олиб бораётган ишлари ва истиқболдаги вазифалари ҳақида маърузалар қилишди.

Мактаб жамоаси ва агентлик ўртасида доимий ҳамкорлик қилиб туриш ҳақида келишиб олинди.

«Туркостан-пресс».



Бизнесни

Бошқариш санъати

Кеча Тошкентда Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг пойтахтимиздаги филиали ҳамда Америка Ижтимоий бошқарув институти билан ҳамкорликда «Ташкилотда етакчиликни ривожлантириш» мавзусида ўқув-амалий семинар иш бошланди.

Унда ташкилот, идора, тижорат банклари ва қўшма корхоналар раҳбарлари иштирок этапти. — Семинардан кўзда тутилган мақсад, — деди академиянинг Тошкент филиали ректори, академик Қаландар Абдурахмонов, — бозор-иқтисодий шароитида менежерларда етакчилик фазилатларини шакллантириш йўллари ва механизмларини ишлаб чиқиш борасидаги энг долзарб муаммоларни муҳокама қилишдир. Семинарнинг биринчи иш кунинда «UzTEXACO»

Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори Боб Хортон, америкалик танқили мутахассислар, бир неча лойиҳа ва илмий ишларнинг муаллифлари Жон Хоуксинг ва Билл Льюис Европа мамлакатлари ҳамда Япониянинг етакчи компаниялари ва корпорациялари бизнесни бошқариш соҳасида тулпанган тажрибалар ҳақида маъруза қилдилар, тингловчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди. **Сандолми ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Назокат УСМОНОВА).

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида 8 март — Хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик, идора, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ хотин-қизлар

ХОТИН-ҚИЗЛАР — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

нинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлади. Аёллар ва қизлар келаётган авлод соғлигини муҳофазалашга қаратилган давлат дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани катта самара бераётди. Қўллаб-қувватлаш муассасалари, она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктларининг ташкил этилиши

аналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2004 йилнинг Мехр ва мурувват йили деб эълон қилиниши бундай хайрли юмушларни янги маъно ва мазмун билан бойитди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси «Мехр ва мурувват йили» дастуридан фойдаланиб вазифаларнинг изчил бажарилишини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Бу борада кўмата тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик билан изчил ҳамкорликда иш олиб борапти.



Парламент янги Бош Вазирни тасдиқлайдими?

Бугун Россия Давлат Думаси мамлакат янги ҳукумати раислигига Михаил Фрадковни тасдиқлаш масаласи бўйича ййгилади.

Унинг номзодини душанба кунини мамлакат президенти Владимир Путин тақдир қилган. Путин шу муносабат билан ўша кунги чиқишида Фрадков илгари мамлакат Хавфсизлик Кенгаши котибининг уринбосари, кейинчалик солиқ хизмати раҳбари бўлганлигини, шунинг учун коррупцияга қарши курашда катта тажрибага эга эканлигини таъкидлади.

Утган йилнинг июнь ойидан буён РФнинг Европа Иттифоқи билан муносабатларини ривожлантириш бўйича махсус вакили сифатида фаолият юритаётган М. Фрадков ватанига қайтганидан сўнг берган интервьюсида «Мен президентнинг тақдирини қабул қилдим. Бу лавозимда ишлашга тайёрман ва келажакда ишонч билан қарамоқдам», деди.

Россия президентининг тақдирини мамлакатдаги сиёсатчилар турлича баҳолашмоқда. Юқори палата раиси, айти пайтда президентликка номзод Сергей Миронов мазкур тақдир унинг учун қўйилмаган воқеа бўлганини таъкидлади. Давлат думасининг депутаты Владимир Рижков Михаил Фрадковнинг ҳукумат раислигига тақдир қилинишни «стратегик хато», деб баҳолади.

Россия Ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар иттифоқи президенти Аркадий Вольский Михаил Фрадковнинг номзоди РФ ҳукумати раислигига муносиблигини ва бу мантиқли сиёсатнинг

ғалабаси эканлигини айтди. Давлат думаси раиси, «Единая Россия» фракцияси етакчиси Борис Грызлов номзоднинг самийий инсонлигини таъкидлаб, у мамлакатда стратегик ислохотлар ўтказишда ҳукуматга раҳбар бўлиш имкониятига эга эканлигини қайд этди. Михаил Фрадков шу кунларда Давлат думасидаги барча фракциялар — «Единая Россия», РФКП, РЛДП ва «Родина» билан учрашувлар ўтказди.

«Единая Россия» фракциясидаги учрашувдан сўнг, Фрадков ушбу фракция аъзоси, куйи палата раиси ўринбосари Александр Жуковга янги ҳукуматда раис ўринбосари лавозимини тақдир қилмоқчи эканлигини бил-

дирди. Шунингдек, у мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни давом эттиришини ва давлат хизмати тизими қайта қўриб чиқилишини маълум қилди. Маълумотларга қараганда, Фрадков мамлакатда вазирлик ва идоралар сонини қисқартиришни режалаштирган.

Михаил Ефимович Фрадков 1950 йилнинг 1 сентяб-рида Куйбишев вилояти Краснорск туманидаги Курюмош қишлоғида туғилган.

1972 йилда Москва станоксозлик институти, 1981 йилда эса Бутуниттифоқ ташқи савдо академиясини тамомлаган.

1973-75 йиллари солиқ иттифонинг Ўлдинда элчиликда иқтисодий

масалалар бўйича маслаҳатчи девонхонасида ишлаган. 1984 йилдан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида фаолият юритган. Ундан сўнг ҳам кўпгина лавозимларда ишлаб, 2001 — 2003 йиллари РФ солиқ хизмати бошқарган. Инглиз ва испан тилларини билади. Икки нафар ўғли бор.

Кузатувчиларнинг фикрича, Россия парламенти бугун Михаил Фрадковнинг номзодини маълумлайди. Чунки Думада янги номзодни қўллаб-қувватловчи депутатлар кўпчилигини ташкил этади. Агар шундай бўлса, Россияда президент сайловлари ўтказилмасдан олдин янги ҳукумат тузилиши мумкин.

Салим ДОНИЁРОВ.

Исёнчилар қурооларини ташлашга рози

Гаитидаги исёнчилар етакчиси Ги Филипп журналистлар билан учрашиб,



мамлакатга халқаро тинчлик парвар кучлар киритилганидан сўнг қўзғолончилар ўз қуроолларини топшириши мумкинлигини маълум қилди. «Гаити халқини ҳимоя қилиш кафолатланганидан кейин биз қуролимизни ташлашга тайёрмиз», деди у CNN мухбирига берган интервьюсида.


Айни пайтда Филипп ўзини мамлакат полицияси бошлиғи деб эълон қилди. АҚШ давлат департаменти вакилининг таъкидлашича, унинг қарори ҳеч қандай кучга эга эмас. «Гаити аҳолисининг тинч йўлни танлаши қувонарли ҳол, бироқ бу жараёнда исёнчилар ҳеч қандай муҳим роль ўйнамайди. Улар қуроолларини ташла-

лан олганликда айбланмоқда. Мазкур айблов бўйича чоршанба кунини суд-суриштирув ишлари бошланди. Аннели Яттенмяки ўзига нисбатан қўйилаётган барча айбловларни рад этмоқда. Аннелининг айтишича, у президентнинг солиқ ёрдамчиси Марти Маннинендан ҳужжатларни сўрамаган. Унинг ўзи бу ҳужжатларни факс орқали солиқ бош вазирга жўнатган. Айни пайтда Марти Маннинен Яттенмякини касбий этикани бузганликда айблаб, унга қарши қўрсатма бермоқда. У солиқ бош вазирнинг телефон орқали мазкур ҳужжатларни сўраганини тасмага эъиб сақлаб қўйганини ҳам айтди. Агар айбловлар тасдиқланса, Яттенмяки икки йилга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.



Ҳукумат шаклланди

Сербия ва Черногория парламенти Сербия Демократик партияси раҳбари Воислав Коштуница тузган ҳукуматни кўпчилик овоз билан тасдиқлади. Ун саккиз вазирдан ташкил толган янги ҳукуматни 130 депутат қўллаб-қувватлаган бўлса, 113 нафари қарши чиқди. Коштуница 2000 йилда Слободан Милошевични ҳукуматдан кетишига сабабчи бўлган. Эндликда Милошевич аъзо бўлган Сербия Социалистик партияси ҳам янги ҳукуматни қўллаб-қувватламоқда.



ОЛАМ НАФАССИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

У ўзи учун яхшироқ ҳаёт қидирган эмас

Шу йилнинг 13 январь кечаси Тошкент аэропортида содир бўлган фожиа 37 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Канаданинг Виннипег шаҳрилик 56 ёшли Ричард Пеннер уларнинг энг ёши улғу эди. Унинг ҳалок бўлганини эшитган ҳамкасбаларидан бири, «Дунёда яна бир яхши инсон қамайдим», деди. Аслида, самолёт бортида бўлганларнинг ҳар бири шундай баҳога лойиқ одамлар эди.

Пеннерлар оиласи ўша йиллар мобайнида мамлакатда болалари билан қўлдилар, эвакуация ҳақида ўйламадилар ҳам. 1985 йилдан 1992 йилга қадар, Ричард урушдан анча зарар кўрган Афғонистонга тиббий, касба ўргатиш ва факултада ёрдам қўрсатиш бўйича Халқаро ёрдам миссиясининг ижрочи директо-

Канадага келиб, Ричард илгариги бухгалтерлик касбига қайтишни ўйлади. Бироқ Афғонистон аҳолисига шунчалик жонини бериб, бутун қувватини сарф қилиб юрган инсонни бухгалтерлик касби қониқтирмайди? Албатта йўқ. Шунинг учун Ричард Сизлт шахрида жойлашган инсонпарвар, факултада ёрдам ва ривожлаш ташкилоти бўлган World Concern (Уолд Консерн) ташкилотига эътиборини қаратди ва унинг Ўзбекистонда идора очиб мақсади борлигини хабар топди.

1993 йилда Ричард ўз «уйи» бўлиб қолган Марказий Осиёга қайтиб келди. Лекин бу гал Амударёнинг жануби эмас, шимолига, Тошкентга келиб тушдилар. Ричард кейинги 10 йил урини Ўзбекистонда World Concern фаолиятини бошқаришга сарфлади. Мамлакат бўйича директор сифатида, у бир неча лойиҳани бошқарди. Улар орасида Тошкент шаҳридаги болалар уйларида бирида юзлаб болалар учун сифатли парвартиш ва ёрдам қўрсатиш дастури, қишлоқ хўжалиги соҳасида маҳаллий оилалар учун даромад олишга қаратилган бройлер товуқларини боқиш дастури, ноғирон болалар учун ўқитиш дастури ва Тошкент шаҳрида касба ўргатиш дастурлари бор эди.

2002 йили Ричард умрининг каттагина қисмини ўтказган икки мамлакатни бирлаштирувчи кўприк очилди. У 2003 йилнинг июнида Энн билан World Concernнинг идорасини очиб мақсадида Мозори Шариф шахрига қўчиб кел-

ди. Яқинда берган интервьюсида мақсади афғон оилаларини ўз қишлоқларида қайтиришга, илгор сўғориш тизимлари ва шинам мактаблар қўришда уларга ёрдам бериш эканлигини қайд қилган эди. У шунингдек, муҳтож аёлларни иш билан таъминлаш дастурини ҳам бошқарарди.

Энн турмуш ўртоғи ҳақида гапириб «Ричарднинг болаларга меҳри бўлакча эди. У афғон боласини, ўзбек боласини ажратиб ўтирмасди. Болалар учун доим вақт топарди», деди. Фожиа юз беришидан бир hafta илгари Ричард ва Энн Мозори Шариф атрофида етим норасидаларга киши кийим-кечак тарқатган эдилар.

Ричард одамлар қалбига йўли топа оларди. Ким бўлишидан қатъий назар, ҳаммага бирдек қарарди. У билан Ўзбекистонда бирга ишлаган Раъно Намозова шундай дейди: «Ричард Пеннер ажойиб инсон эди. У одамларни чексиз эъозларди. Унинг ҳаётга ишонч билан қарashi, қулиб юриши, ёрдамга тайёрлиги доимо дилимизда».

Тошкентдаги Боткин кабристонига дафн этилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов дафн маросимида сўзга чиқиб, шундай деди: «Улим фожиона тарзда Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўсти бўлган азиз инсонни орамиздан олиб кетди. Жаноб Пеннернинг одамларга нисбатан фидойилиги, инсонпарварлиги Ўзбекистон халқлари қалбида самийий ҳурмат уйғотди. Ўзбек турроғи бизнинг дўстимиз учун сўнги мақом бўлибди — халқимиз унинг олижаноб хизматларини тоабид ёқда тутадилар ва унинг ёрдам хотираси қалбимизда доим яшайди.»

Бу кўпчилигини юрагидаги сўзлар эди. **Жан О'ФАРРЕЛЛ, ЎЗДЖУ халқаро журналистика факультети ўқитувчиси.**

Хабарингиз бор, ўтган сешанба кунини Ироқдаги Карбало ва Бағдод шаҳарларида кучли портлашлар рўй бериши оқибатида 271 киши ҳалок бўлганди.

«Ал-Қоида»нинг қўли бор

Бу хунрезлик мамлакатга халқаро коалициянинг кучлар киритилганидан сўнг рўй берган энг қонли фожиа, деб баҳоламоқда. Ироқдаги америкалик ҳарбийлар кўмондони Жон Абизайдиннинг Бағдодда ўтказилган матбуот анжуманида таъкидлашча, АҚШ ҳукуматида ушбу террорчиликларда «Ал-Қоида» етакчиларидан бири Абу Мусаб Ал-Заркавийнинг қўли борлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд.

Ёрдам сўрамоқда

Индонезияда шу йилнинг январь ойидан буён денге безгагидан 352 нафар одам ноубуд бўлди. Яна 22 минг 384 одам шифохонага ётқизилди. Чивинлар ушбу касаллик вирусини ташувчилар ҳисобланади. Маҳаллий тиббиёт ходимларининг айтишича, бир кунда Жакартанинг ўзида 800 одам шу касаллик туфайли шифохонага келтирилган. Индонезия ҳукумати бу касалликка қарши курашда ёрдам сўраб халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилди.

Суриштирув ишлари бошланди

Финляндия солиқ бош вазир Аннели Яттенмяки ўзининг сайловолди жараёнида президент ёрдамчисидан маҳфий ҳужжатларни ноқонуний йўл билан


Машина портлашти юборилди

Исроил ҳарбий авиацияси Фазо секторидидаги яҳудийлар яшайдиган Нецарим аҳоли пункти ёнидан ўтиб кетаётган машинани ракета билан портлатиб юборди. Машинадаги уч одам шу заҳотиёқ қурбон бўлди. Бир гувоҳнинг маълум қилишича, Mitsubishi маркали автомобил ХАМАС гуруҳи аъзоларига тегишли деб гумон қилинган. Бу ҳодисага Исроил ҳарбийлари ҳеч қандай муносабат билдирмади.

Такси ҳайдовчилар ўз машиналарида ажнаний ўтирганини билиб қолса, аксарият: қаер яхшироқ — бу ерми ё у ерми, Ўзбекистонда яшаш яхшими ёки сизнинг юртингиздами, деб суриштириб қоларди. Ричард эса шу саволга жавоб беришга қийналарди. Негаки, у ҳеч қачон ўз юрти Канадада ҳам, бошқа юртларда ҳам ўзига қўлайроқ ёки яхшироқ ҳаёт қидирган эмас.

1971 йили Энн билан турмуш қургач, Ричард Виннипегда бухгалтер ва маъмурий ходим бўлиб ишлаб юрди. Худди шу йилларда у қаерда бошқаларга мадад бўла олишини, узок юртларда муҳтожларга хизмат қилиш йўллари излаб бошлади. Суриштириб билса, Афғонистонда шундай ёрдамга муҳтожлар бор экан.

Тез орада Ричарднинг эътиқоди учун синов лойиқ келди. Негаки, Афғонистон яшаш учун, айниқса, болалар билан яшаш учун хатарли жойга айланди. 1979 йили давлат тўнтарыни юз берди ва шу йилнинг ўзида қизил қўшин кириб келди.



ри бўлиб ишлади. Эндликда рафикаси: «У келганда иккитагина лойиҳа бор эди, ортидан эса ўнта лойиҳа қолди. Ричард одамларнинг яхши яшашини чин дилдан истагувчи инсон эди», деб эсга олади. 1992 йили Пеннерлар оиласи учун Афғонистондан кетиш пайти келди. Уларнинг фарзандлари улғайиб, ўсмирлик ёшига етдилар ва энди улар учун Канадада ўқитиш давом эттириш зарурати туғилди. Улар Афғонистонда катта бундилар ва бу юртни ўз уйларидек билардилар. Ричард ва Энн болалари қалбларида Марказий Осиё ва унинг одамларига нисбатан улкан муҳаббат хиссини тарбияладилар.

Қаззофий Ғарбга интиломоқда

Ливия инқилоби етакчиси Муаммар Қаззофий парламент ва ҳукумат аъзолари олдида чиқиш қилиб, расмий Вашингтон ҳамда Триполи ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланганини «Буюк ғалаба ва катта ютуқ» дея таърифлади. Қаззофийнинг таъкидлашича, Ливия бир вақтлар қора танли африкаликларни ва яҳудийларни камситган кучлар тарафида тургани учун халқаро ҳамжамиятдан ажралиб қолган эди.

«Камситилган халқлар Ғарб мамлакатлари билан алоқаларини мустаҳкамлагандан сўнг кенг ривожланиш йўлига кирди», — деди у. — Шунинг учун Ливия ўз ташқи сиёсатидаги йўналишларини ўзгартиришига қарор қилди».

2003 йилнинг декабрида Қаззофий Ливия барча ядровий, кимёвий ва биологик қурооллар ишлаб чиқариш дастурларини

ни тўхтатишини маълум қилган эди. Шундан кейин мамлакатга қуролсизланиш жараёнини қузатиш учун халқаро инспекторлар келди. Ўтган ойда АҚШ ҳукумати ўзининг нефть ишлаб чиқарувчи компанияларига бундан ўн йил олдин ҳамкорлик қилиш таъқиқлаб қўйилган Ливия нефть компаниялари билан иқтисодий алоқаларини тиклашга рухсат беришини маълум қилди.

Бундан ташқари, Вашингтон Америка фуқароларининг Ливияга боришини таъқиқловчи ҳужжатларни ҳам бекор қилмоқчи. Икки мамлакат дипломатик алоқаларини тиклаш йўлидан бормоқдалар. Бироқ ҳали ҳам қўлгина санкциялар, жумладан 1982 йилда қабул қилинган Ливия нефтини четта сотишни таъқиқловчи ҳужжат ўз кучида қолмоқда.

Хуршид РАУПОВ.



Очқўз қушлар

Йўловчи қушлар Тунис қишлоқ хўжалигига, айниқса, зайтун дарахтларига катта зарар етказмоқда. Қиш мавсумида Тунис бу қушлар учун ҳақиқий жаннатга айланади. Ноябрьдан март ойига қадар мамлакат ҳудудига 20 миллионгача турли хил катта-кичик қушлар келади. Маълумотларга қараганда, улар тўрт ой давомида 18 - 24 минг тонна зайтун мевасини еб тугатишар экан.

Йўқдан бор қилиш осонмас

Эртанин воқеликка, орзуни ҳақиқатга айлантириш учун қанча вақт керак? Одамларга йўқ нарсани бор қилиб қўрсатиш учун-чи? Мексика шимолидаги Монтеррее шаҳрида гастролда бўлган машҳур кўзбойлогич Давид Коперфильд журналистлар билан учрашди. Унинг гапига қараганда, битта чиқиш тайёрлаш учун қанчама икки-уч йил керак бўлади.

Буни тўй деса бўлади

Ҳар йили АҚШда 2,4 миллион тўй маросимлари бўлиб ўтади. 285 миллион аҳолига эга бўлган мамлакат учун бу жуда катта кўрсаткич эмас. Аммо тўйларга сарф бўладиган харажати эшитсангиз ҳайратга тушасиз. Тўй тантаналари, черковдаги никоҳ маросимини ҳам қўшиб ҳисобланса бу тадбирларга мамлакат бўйича йилига 80 миллиард доллар сарфланар экан.

Сут эмадиган қўғирчоқ

Саудия Арабистони дўконларида ажойиб қўғирчоқ пайдо бўлди. У ёш болалардек гапирди, кулади, ййглайди. Аннабел номли бу мовий қўзли қизалоқ, ҳатто ашшадан сут эмиш ва қорни тўйгач ухлашини ҳам билади. Уйқудан уйқонгач эса одамлар диққатини ўзига жалб этиш учун бакириб қўяди. Унинг бунчалик одамга ўхшашлиги мамлакатдаги барча аёлларни ҳайратга солди. Қўғирчоқнинг бу хусусияти охир-оқибат унинг сотилиши таъқиқланганига ҳам сабаб бўлди.

D-AMPS GSM

UZDUNROBITA

first cellular

Азиз хотин-қизлар!

«Уздунробита» компанияси сизларни ажойиб баҳор байрами 8 Март билан муборакбод этади, ҳамда муҳаббат, бахт ва доимий гўзаллик тилайди!

Энг эзгу ниятларингиз ва орзуларингиз амалга ошсин!

NEW!

Уздунробита табриклари, севимли опа-сингилларингизни, аёлларингизни 8 март байрами билан SMS орқали табрикларни 10.03.2004 йилгача SMS орқали 401 рақамдан 409 рақамгача бўш хабар юбориб, табрик матнларини олишингиз мумкин. 400-«табриклар рўйхати», 401-«Онамга», 402-«Рафикамга», 403-«Қайнонамга», 404-«Севимли аёлимга», 405-«Сингимга», 406-«Хамкасаба аёлларга», 407-«Бошиқ аёлга», 408-«Қизимга», 409-«Қўшни аёлга».

1 мурожаат нархи- \$0.10.

www.uzdunrobita.uz
wap.uzdunrobita.uz

ХИЗАМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

Мардлар кўриқлайди Ватанини

— Учувчи бўлиш қандай яхши. Осмон узра парвоз қилиб, завқланасан. Қудратли техникани бўйсундирасан. Барча сенга ҳавас билан қарайди...



Ширин хаёллар оғушида юрган йигитнинг орзу-хавасларига тоғаси ўт «қалади»: — Нимасини айтасан, жиян. Шу касбни танлаганимдан бахтиёрман. Юрнинг мусоффо осмонида сузиб, она заминни кузатганга не ётсин.

Учувчининг парвози

Шу билан бирга у соҳанинг масъулияти, машаққати ҳақида ҳам сўзлади. Хуллас, қачон имкон топилса, тоға-жиян учувчилек борасида, самолёт, вертолётлар хусусида сўхбатлашарди. Ниҳоят, ўтган йилнинг кузида жиян энгига офицерлик либосини кийиб, ҳарбий учувчи бўлди. Уни табриқлаб, бағрига босар экан, «Яшавор, жиян, су-

лолани давом эттирадиган бўлдинг. Энг муҳими, мен танлаган йўлдан бораёсан. Зарур бўлса, ўзим сенга тажрибаларимдан ўргатаман. Энг зур учувчи бўлишингга кўмаклашаман», деди тоға.

Тоға — Куролли Кучларимиздаги етук офицерлардан, тажрибали учувчилардан бири, подполковник Жуманазар Жали-

нинг ўзининг соҳасини эгалласа. Ҳарбий бўлиш, юрт химоячиси бўлиш — шараф. Бироқ икковлон ҳам ундан бироз олисда, Ватан буюрган жойда хизмат қилади. Она бўлгач, тез-тез соғинади. Шулар-

мида хизматини бошлаганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Аввало интилувчан, тиришқоқ бу офицер жамоага тезда мослашди. Билими, қобилияти борлигини синовларда, суҳбатларда намоён этди. Билим юртида ҳам аълочилардан эди-да, ахир. Мана, яқинда қисмда тажрибали устоз-офицерларнинг синовларидан ўтиб, мустақил парвоз учун рўхсат олди. Уша болаликда орзу қилган кунлари келди. Аммо лейтенант Тулганбоев бу билан чекланиб қолмайди. У аста-секин парвозлар билан боғлиқ тажрибаларини бойитмоқчи. Аниқроғи, тоғли шароитда кўниш, ноқулай об-ҳавода парвозларни амалга ошириш каби машқларни пухта эгаллаб олиш ниятида. Айни пайтда бу борада унга звено командири капитан Шавкат Амонов яқиндан ёрдам бермоқда. Бурни адо этиш замирида қилаётган ишингга янада муҳаббат шакллана боради. Лейтенант Тулганбоевнинг ўз соҳасига фидойиларча ёндашувини кузатиб, ана шу фикр ҳалдан ўтди.

Капитан Алижон САФАРОВ.

Мурувват



Самарқанд шаҳридаги 6-ва 11-мехрибонлик уйлари барча қўлайликларга эга бўлган янги биноларга кўчирилди. Виллоят ва шаҳар ҳокимлари ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан уларнинг ҳар бирига 60 миллион сўмлик янги жиҳозлар олиб берилди.

Бундан ташқари, барча меҳрибонлик уйлари бадий китоблар, ўқув дарсликлари ва даврий матбуот нашрлари билан таъминланди. Ота-она меҳрига зор болаларнинг доимий уйига айланиб қолган бундай муассасалардан яна иккитаси — 9 ва 10-мехрибонлик уйлари бинолари ҳомий ташкилотларнинг ёрдами билан тубдан таъмирланиб, шарт-шароитлари яхшиланди.

Мақсад АКРАМОВ, «Туркистон-пресс».

Республика пахта толасини истеъмолчи — корхоналар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЕ БИРЖАСИ

ВА «ЎЗПАХТАСANOAT» УЮШМАСИ

республика истеъмолчиларига **ПАХТА ТОЛАВИНИ** миллий валюта — сўмга сотиш бўйича ўтказиладиган аукцион савдолар жадвалини маълум қилади.

16 март	соат 15.00да
20 апрель	соат 15.00да
18 май	соат 15.00да
22 июнь	соат 15.00да
21 июль	соат 15.00да
19 август	соат 15.00да

Иштирокчиларни рўйхатга олиш — соат 10.00дан 13.00гача кўйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 53-уй (ЎЗРМХБнинг Биржа маркази биноси).

«Пахтасаноат»нинг худудий акциядорлик бирлашмалари томонидан сотувга қўйилган пахта толаси микдори ва бошлангич нархи тўғрисидаги тўлиқ маълумотни ЎЗРМХБнинг Биржа марказидан, шунингдек, Қорақалғистон Республикаси ва виллоятлардаги филиаллардан олиш мумкин.

Маълумот учун кўйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 139-83-88, 139-83-96.

Katris ФИРМАСИ

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ

Ишлаб чиқаради ва тайёрлайди.

90-07-87
92-03-95
158-15-73

Мебель олсан «Katris»дан, розмат қилсан дилдан.

Иссиқхоналардаги қонунбузарликлар

Кундалик ҳаётимизда табиий газнинг тутган ўрни беқисс. Бу беминнат кўмакчи ҳаммаша мушкулликни осонлаштиради. Бироқ биз зангори оловдан тўғри фойдаланаямизми? Ўзини ишбилармон ҳисоблаб, иссиқхона қуриб, табиий газдан ноқонуний фойдаланётганлар хануз учраб турибди. Уларга газнинг табиий ёқадю ҳақи қақди. Тошкент виллоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан газдан ўринли фойдаланишга қаратилган тартиб-қоидалар ижроси юзасидан ўтказиладиган текширув натижалари юқоридида фикрни тасдиқлайди. Айниқса, виллоятнинг Зангиота туманида бундай ҳолатлар кўп учрамоқда. «Тўқимачи» жамоа хўжалигининг Файзихонов кўчасида яшовчи Э. Тулганбоев 11 сотих ерга иссиқхона қуриб, табиий газдан ноқонуний фойдаланган. Уй соҳиби ёпик майдонда помидор етиштириб мўмай даромад қўлаётгани равшан, албатта. Бироқ, у бу хатти-ҳаракати билан давлатга 1.094.885 сўм зарар етказганини англадиимикин? Ушбу хўжалиқнинг Бобур маҳалласида яшовчи О. Шариповнинг қилмишлари ҳам шунга ўхшаб кетади. У қиш давомида ўзига тегишли 4,5 сотихлик иссиқхонада табиий газдан ўзбошимчилик

билан фойдаланган. Ва шу қилмиши оқибатида салкам 447.907 сўмлик газдан ноқонуний фойдаланган. Инсоф сари барақа, деган нақлни унутган кимсалардан яна бири «Иттифок» жамоа хўжалигида яшовчи С. Хошимовдир. У 4 сотих ерга иссиқхона қуриб помидор етиштириётган экан.



Энди С. Хошимов бу бебошлиғи учун давлатга етказган 274.579 сўм зарарни қоплаши зарур. Меҳнат қилган, ҳалол тер тўққанлар қандини урсин деймиз. Аммо ғиромликни кечириб бўлмайди. Бунга Назарбек кишлоқ жойлашган «Абдуқодир ота» савдо корхонасига қарашли 27 сотих ер майдонидида иссиқхона ижарага олган Турсунмурод Қорабоевнинг ноқонуний хатти-ҳаракати мисол бўла олади. У иссиқхона иситиш учун 6 та қўлбола қозон ўрнатиб, уларга яширинча табиий газ қувурини

улаб қўйганлигига ҳайрон қоласиз. Юқориди номлари зикр этилган шахслар, албатта, қонун олинди жавоб беради. Бироқ, бизни ўйлантираётгани газдан ўринча фойдаланётганлар фақат давлатга эмас, ўз ҳамқишлоқларига ҳам катта зиён етказётганлигини билармикин? Маълумки қонунбузарларнинг ноқўра ҳаракати билан газ таъминотининг меъёри бузилмоқда. Қондонларда газ босими пасайиб, уйлар яхши исимаяпти. Бу фуқароларига сабаб бўлиши табиий. Солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилашган. Текширишлар жараёнида фуқаролар томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланилганлиги сабабли давлатга 15 миллион сўмга яқин зарар етказилганлиги аниқланди. Шу ўринда уларга еслатиб қўймоқчимиз. Табиий газ ҳеч қимнинг шахсий мулки эмас. Бу бойлик ҳаммамизники ва ундан тежаб-тертаб фойдаланиш инсонийлик бурчимиздир. Ғулҷеҳра РАЗЗОКОВА, Тошкент виллоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходими.

“TEZINTOM” ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

ТУРАЙ РАНГАДГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ЎЛЧАҲИ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БУЛАВИЙ ТОМЛАР ТУАЙ КОМПЛЕКТАРИНИ ТОШИРИШ

“ТЕЗИНТОМ” қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли қамайтирилган

“МЕН” (Германия) фирмаси тех-нологияси асосида агрессив муҳитта металл ва электр ўтқазувчи пластмасса маҳсулотларига

GERMANYANING “НЕВО” ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЙЕРЛАНГАН ЮКСАК БАДДИЙ САВИЯДАГИ НОВЕ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ

Жиҳозмодор панжаралар, суягичлар, гаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гўзал буюмлар.

Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59; 162-42-74. Факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ **ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

бўш (вакант) кафедра профессор-ўқитувчи лавозимларига битим асосида танлов эълон қилади.

✓ **Филология ва табиий фанлар факультети**
Ислом ҳуқуқи кафедраси доценти — 1 ўрин.
Информатика ва табиий фанлар кафедраси доценти — 1 ўрин.
Ғарб тиллари кафедраси ўқитувчиси — 2 ўрин.

✓ **Ислом тарихи ва фалсафаси факультети**
Шарқ тиллари кафедраси катта ўқитувчиси — 1 ўрин.
Фалсафа кафедраси ўқитувчиси — 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
- ректор номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари;
- илмий ишлари рўйхати.

Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Манзилми: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, ТИУ кадрлар бўлими.
Телефонлар: 144-00-91, 144-00-56.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63

242-хона

ТАШҚИ РЕКЛАМА

Корхона ва ташкилотлар диққатига! Хусусий тадбиркор Умурзаков Э.А. Сиз учун қисқа мuddатларда ва арзон баҳоларда қўйидаги ташқи реклама воситаларини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича ўз хизматларини тақлиф этади:

- пластик осма ёзувлар;
- ёритилувчи таблолар;
- ҳажми ҳарфлар;
- эшик лавҳалари;
- тортма баннерлар;
- кўрсаткичлар;
- реклама тўсинлари ва ҳоказо

Тўлов пул ўтказиш йўли билан. Маълумот учун телефонлар: 128-37-13, 173-63-90, 186-37-13, 173-38-35.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтининг ўқув меъёри бўлими мутахассиси Мапура Маҳмуджўжаевага онаси **МУХТАБАРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Жанубгазқури-лиш» ОАЖ жамоаси «Тошнефтегазқури-лиш» ОАЖ корхонасининг раиси Усмон Ҳамраевага онаси **МУБОРАК** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тажрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Мухамидов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Хошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхона билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 001-рақам олдидан рўйхатга олинган.
Буюртма 1—472. 33113 нусхага босилган.
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Котиз бичими А—2
Газета ИВМ компьютерда терилди ва оператор Жанина ГОГАЕВ томонидан саҳифаланди.
Тажрирда ҳажми 5 қотоздан эълан материаллар қабул қилинади.
[1]—Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — Р. Ермақов.
Мусоҳиҳ — Ш. Маширбаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишта топириш вақти — 21.00 Тоширилди — 21.30 23456